ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00310

ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ШАРОИТИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДИНИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРИ

Фотима Нуриддин қизи Матаганова
Ўзбекистон халқаро ислом академияси 2-курс магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада очиқ ахборот тизимлари шароитида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда ҳар бир ёш маълум бир кўникма ва билимларга, динийтва дунёвий илмларнинг моҳиятини тушуна олиш қобилиятига эга бўлиши, дунёда кечаётган сиёсий ва иқтисодий жараёнларга бефарқ бўлмаслик лозимлиги ўрганилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, интернет, ахборот, ахборот-психологик хавфсизлик, очиқ ахборот тизимлари, оммавий ахборот воситалари, интернет қарамлик, бузғунчи ғоялар, тахдидлар, иммунитет,ахборот истеъмоли маданияти.

RELIGIOUS AND SOCIAL FACTORS OF INFORMATION AND PSYCHOLOGICAL SECURITY IN THE CONTEXT OF OPEN INFORMATION SYSTEMS

Fatima Nuriddin kizi Mataganova
The 2nd year master student of the International Islamic Academy of Uzbekistan

ABSTRACT

The article deals how to ensure information and psychological security in the context of open information systems, each person must have certain skills and knowledge, the ability to understand the essence of religious and secular sciences, not to be indifferent to political and economic processes in the world.

Keywords: globalization, the internet, information and psychological security, open information systems, the media, internet addiction, destructive ideas, threats, immunity, information consumption culture.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00310

КИРИШ

Очиқ ахборот тизимларида ахборий-психологик хавфсизликни таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб талаби ҳисобланади. Ҳар бир давлат бунинг устида бош қотирмоқда. Бу жаҳондаги янги гэосиёсий тақсимот, янги минтақавий низоларнинг юзага келиши, миллатчилик, шовинизм, дин ниқобидаги экстремизм, экологик ҳалокатнинг тахдиди кучайиши ва турли юқумли касалликларнинг тарқалиши билан боғлиқ. Бугунги кунга келиб, иқтисодий, сиёсий ва бошқа мақсадларга эришиш учун ҳарбий устунлик ёки кучнинг ўзи етарли эмас. Рақиб томонга ахборий-психологик тазйиқ ўтказиш ҳам зарур бўлади. Ахборот тушунчаси бугунги кунда глобал маъно касб этди. У инсон тафаккурига таъсир ўтказувчи, инсоният ҳаёти ва тақдирини у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ салбий, гоҳ ижобий моҳият касб этувчи воситага айланди.

Очиқ ахборот тизими деганда ахборот воситалари ва унда берилаётган ахборотларнинг ошкоралиги, дунё ахборот майдонида ахборот алмашинув жараёнининг жамият эҳтиёжи сифатида намоён бўлиши ва ахборотларнинг шахс ҳаёти-фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бориши жараёни тушунилади. Ахборот агентликлари, газеталар, журналлар, журнал тарзидгаи нашрлар, бошқа нашр маҳсулотлар, радио, телевидение, аудио ва видеомаҳсулотлар Очиқ ахборот тизимлари (ОАТ) ҳисобланади. Интернет, матбуот хизмати, жамоатчилик билан алоқалар, давлат, жамоатчилик ва бошқа ташкилотлар ва муассасалар, реклама агентликлари бўйича тузилмалар ҳам шулар жумласидандир.

Ҳозирда интернет орқали тарқалаётган ва йил сайин тобора кенг хилма-хил тус олаётган виртуал зўравонликлар, шунингдек, электрон ОАВ (оммавий ахборот воситалари)ларида тасвирланаётган жангари манзаралар, ёшларнинг маънавий ривожи ва тафаккурига таъсир қилмоқда. Айни пайтда интернет тармоғи ҳаётимизга таҳдид ҳам олиб келмоқда. Ахборот-психологик ҳавфсизлик бу бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиши орқали уни ўз ақидаларидан, муқаддас идеалларидан, эътиқодларидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асрашдир. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка эҳтиёж, энг аввало бевосита инсон ва жамият, инсон ва давлат, шахс ва унинг даҳсизлиги, миллат ва миллий қадриятлар, жумладан, урф – одатлар, анъаналар, тарихий ва маданий мерос, авлодлар ворисийлиги, миллатнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган қадриятларга маънавий – руҳий таъсир бузғунчи ғоялар ва тажовузкор мафкураларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00310

Бугунги кунда, ривожланган техника даврида турли хил маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали тез ва осон топиш мумкин. Жумладан, бузғунчилик, тажовузкорлик, ноахлоқий хулқни шакиллантирувчи маълумотлар ҳам анчагина. Айниқса, бундай манбалар ўсиб келаётган ёш авлодлар онгига таъсир кўрсатаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Оммавий ахборот воситалари таъсиридаги бузғунчи ёки онгни зарарловчи ғояларнинг олдини олиш фақат ёш авлоднинг таълим-тарбиясига эътиборни кенгайтириш ва тўғри ташкил этиш ҳамда сифатли таъсирни кучайтиришдан иборат. Бунда, албатта, педагоглар, психологлар, жамоатчилик, ота-она каби болага маъсул шахсаларнинг билим савияси ва ҳаётий тажрибалари аҳамиятлидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўз даврида оғзаки нутқнинг пайдо бўлиши билан ахборот узатиш имкониятлари кенгайган бўлса, ёзма нутқ ривожи бу борада ўзига хос янги босқични бошлаб берган эди. Ҳозирги фан-техника тараққиёти, интеграция ва глобаллашув шароитида эса ахборот маконида туб сифатий ҳолат кечмоқда. Эндиликда ахборот узатиш нафақат хилма-хил (радио, телевидение, матбуот, телефон, факс, почта, интернет ва б.) шакллари, балки, ўта тезкорлиги билан ҳам жамият тараққиётининг олдинги даврлардагидан фарқ қилади. Бундай шароитда, ахборот истеъмоли жараёнида ҳам янги тенденциялар кузатилмоқда. Ахборот турли ижтимоий қатламлар, профэссионал ва миллий гуруҳлар вакилларига ҳар хил таъсир қилиши баробарида уни истеъмол қилиш амалиёти турли гуруҳларда бир-биридан кескин фарқ килади. “ Кимки ахборотга эга бўдса, у дунёга эгалик қилади” деган фикрнинг пайдо бўлишига ҳам ахборотнинг юқоридаги ҳусусиятлари сабаб бўлган. Ахборот ҳар бир низонинг учинчи томонига айланиб қолди. Олимлар урушга муносабатнинг ўзгарганини айтишар экан, қуролнинг янги тури кашф қилинганини таъкидлашмоқда. Бу қурол ахборотдир. Бундай Қурол ёрдамида бузғунчилар инсоннинг онги ва қалбини нишонга олади. Бу қурол ёрдамида онгга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундайди. Шу тариқа нафақат миллатнинг турмуш тарзи, балки унинг яхшилик ва ёмонлик, оқ ва қора, савоб ва гуноҳ, рост ва ёлғон ҳақидаги тасаввурлари ҳам ўзгаради. Одамлар дунёкарашини бузғунчи ғоялар таъсирига олаётган ғаразли кучлар дунёни ўз хоҳиш-иродаларига бўйсундиришга уринмоқда. Сиёсий кучларнинг асл мақсадларини ўз вақтида сезиш ва англаш катта аҳамиятга эгадир. Эълон

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00310

қилинмаган ахборот урушлари замирида ёлғон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни эгаллаш, миллий ва маданий қадриятларни йўқ қилиш, ёт ва бегона қадриятларни сингдириш каби ёвуз мақсадлар ётгани аниқ. Бу таҳдидлардан доимо огоҳ бўлишимиз керак. Интернет виртуал, аммо объектив ҳодисадир. Унинг ҳаётимизга кириб келишига тўсиқ қўйиб бўлмайди. Лекин ёшларни ундан оқилона фойдаланишга ўргатиш лозим. Интернет орқали ижобий маълумотлар билан бирга ёшлар хулқу одобига салбий таъсир этувчи ахборотлар узатилаётгани аниқ. Ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш орқали бундай таъсирларнинг олдини олиш керак. Соғлом ақл эгалари интернет қулайликларидан ўз билимларини ошириш йўлида оқилона фойдаланади. Лекин баъзи ёшлар эса ушбу тармоқдаги ёвузликка, маънавий таназзулга сабаб бўладиган сайтларда “сайр қилиб” ўзлари ва атрофдагиларнинг онгини захарлашлари мумкин. Бундай сайтлар, бир томондан, террорчи ташкилотининг фаол аъзоларига, иккинчидан, террорчиларнинг асл муддаоларини билмайдиган, уларни “курашчилар” мақомда қабул қилувчи ўрганган одамларга мўлжалланган. Улардан жамиятда тегишли ижтимоий фикрни шакллантириш ва мухолифат томонга психологик таъсир кўрсатиш, ваҳима тарқатиш орқали ички иккиланишни келтириб чиқаришдек мақсадлар кўзланади.

МУҲОКАМА

Ёшлар бундай оқимларнинг таъсирига берилиб қолмасликлари учун қайси маълумот тўғри қайсиниси нотўғрилигини ажрата олишлари лозим.

Шунинг учун ҳам ёшларда хабар ва маълумотларни таҳлил эта олиш малакасини ҳосил қилиш зарур. Зеро, ҳар қандай хабар ҳам тўғри ва холис бўлавермайди. Ҳар бир маълумотни текшириш ҳақида Аллоҳ таоло шундай дейди: **“ Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар** (ҳақиқий аҳволни) **билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб,** (кейин) **қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун** (у хабарни) **аниқлаб** (текшириб) **кўрингиз!”** (Ҳужурот,6) .

Ижтимоий тармоқ орқали тарқатилаётган хабарларнинг барчаси туғри эмас. Балки, мазкур маълумотларнинг аксарияти ёлғон десак муболаға бўлмайди. Минг афсуски, кўп кишилар бу маълумотларга ишониб, уларни одамлар орасида тарқатиб юрадилар ва ўзлари билмаган ҳолда ёлғончи бқлиб қоладилар. Бу ҳам ёлғоннинг бир кўринишидир. Зеро, Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) дан ривоят

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00310

қилинган ҳадисда: “Кишининг барча эшитганларини гапираверишиунинг ёлғончилигидан етарли далилдир” (Имом Муслим) дея таъкидланган. Мазкур ҳадисдан эса ўзи ҳали текшириб, ўрганмаган ижтимоий тармоқ орқали келган маълумотларни тарқатиш ва “ўзгалар билан баҳам кўриш” гуноҳ эканлиги тушунилади.

Аллоҳ таоло барча мавжудотлар ичида инсонни азиз ва мукаррам суратда яратган. Унга ердаги кўп нарсаларни бўйсундириб қўйган ва саноғига етиб бўлмас неъматларни ато этган. Инсонларга илоҳий амрларни сўзсиз бажаришни, қайтарганлардан четда бўлишни, Аллоҳ буюрганидай турмуш кечиришни амр этган. Аллоҳ таоло мавжудотларни бир-биридан афзал қилиб яратган. Жумладан одам боласини борликдаги ҳамма нарсадан азизу мукаррам қилиб яратганини ушбу оятда хабарини бермоқда. Аввало, одамнинг шакли, барча аъзоларининг тузилиши азизу мукаррамликдан далолат беради: «Ҳақиқатдан, Биз инсонни хушбичим ва хушсурат (шаклда) яратдик» (Тийн, 4), -дейилган.

Бундай шарафга ҳеч бир жонзот муяссар бўлган эмас. Шу боисдан инсон мукаррам. Бас шундай экан, ҳеч бир инсоннинг юқорида айтилгани каби, ўз нафсига зулм қилишга ва озор етказишга ҳаққи йўқ. Ислом инсонларни бир-бирига зарар етказиш ва ҳатто ўзини ҳам қийинчиликка солишдан қайтаради. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди**:** «...Ўз қўлларингиз (баҳиллигингиз) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз» (Бақара,195).

Ушбу ояти карималар билан парвардигор инсониятни барча ёмонликлардан сақланишга, илоҳий амрларни адо этишга, жамият ва дин манфаати йўлида яхши амалларни қилишга, жисми соғлом, дини ва жамиятга наф келтирувчи, зиммасига юклатилган вазифани мукаммал адо қилувчи бўлишга даъват этади.

Ана шундай катта вазифалар юкланган инсон зурриёти Аллоҳ буюрганидай яшаш учун жони, соғлиги, ақлива жисмининг соғлом бўлиши учун қайғуришга масъулдир. Шариатда инсон жони ва ақлини рисоладагидай сақлаш ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун ўзига фойдали нарсаларни қилиши, зарар келтирадиган ишлардан четланиши зарур. Афсуски, айрим ёшлар виртуал ўйинларга бўлган қизиқишлари натижасида айрим ваҳший ўйинлар таъсири остида турли хил руҳий хасталикларга чалиниб қолмоқда. Ҳаттоки, баъзи бир ёшлар ўз жонига қасд қилмоқда.

Агар ёшлар Аллоҳ таолонинг тавсияларига риоя қилса, унинг икки дунёда ҳаёти намунали кечади ва жамият олдида инсон деган улуғ номи эъзозланган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00310

бўлади. Агар инсон бу борадаги мувозанатнинг бузилишига сабаб бўладиган ёмом йўлларга қадам қўйса, омонат қилиб топширилган жон ва ақл неъматига ҳиёнат қилган бўлади ва ўзини ҳалокат чўғига отган бўлади.

НАТИЖАЛАР

Интернетга боғланиб қолиш шахснинг юриш-туришида беқарорлик келтириб чиқарадиган касаллик ҳисобланади. Виртуал оламга боғланиб қолиш зерикишдан, ўзини ёлғиз ҳис қилишдан, бекорчиликдан ва интернетнинг ўзига тортадиган кўп жиҳатларидан келиб чиқади. Америкалик руҳшунос олима Кимберли Янг «интернетга қарамлик» иборасини биринчи бўлиб ишлатган. Олима ушбу касалликнинг қуйидаги белгиларини санаган:

1. Интернетга боғланиб қолган киши ваҳимачи, саросимага берилувчи бўлиб, интернетга боғланмаса, тушкунликка тушади.
2. Оилавий вазифаларга, ижтимоий муносабатларга бепарво бўлиб, жамиятдан бегоналашади.
3. Ўз вазифасини бажаришда суст бўлади.
4. Уйқудан тўсатдан уйғониб, бирдан интернетга уланишни истайди.
5. Муаммоларга қарши туриш, уларни ҳал этишда ожизлик қилади, ҳаёт қийинчиликларига бардош беролмайди.
6. Ўқишда ўзлаштириши пасайиб кетади.
7. Ихтирочилик қобилияти йўқолади.

Интернет икки тарафлама- ҳам яхшиликка, ҳам ёмонликка хизмат қилиши мумкин. Ёшларнинг вазифаси унинг имкониятларидан яхшиликка хизмат қилдириб, ёмонлигидан эҳтиёт бўлиш чораларини кўришдир. Интернетдан фойдаланишнинг инсон билимини ошириш, ахборот олишнинг қулайлиги, узоқни яқин қилиш, қулай алоқа воситаси ва бошқа шу каби бир қанча ижобий тарафлари бор. Бироқ террорчи ташкилотларнинг замонавий тарғибот усулларида интернет асосий ўринни эгаллаётгани барчани ҳушёр бўлишга ундайди. Қайд этиш керакки, террорчиликка қарши курасгда эътиқодий бутунликка эришиш муҳим аҳамият касб этади. Террорчилар замонавий технологиялардан унумли фойдаланишга уринаётган бир вақтда уларга қарши энг замонавий услубларда курашиш лозим. Бундай таҳдидларнинг олдини олишнинг асосий йўли ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдир. Кўп фойдаланиладиган интернет сайтларини аниқлаб, уларга маънавий – маърифий маълумотларни тизимли ва тадрижий равишда жойлаштириб бориш керак. Шундагина

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00310

интернетдаги таҳдидларга қарши иммунитет ҳосил қилиш ва кўламини кенгайтириш мумкин. Ёшларда интернетдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиш ва унинг ишончли манбалар асосида ўз дунёқарашини кенгайтириш, зарарли маълумотларни инкор эта билиш идрокини ҳосил қилиш ғоят муҳим.

ХУЛОСА

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

Миллий-маънавий қадриятларни тарғиб этиш орқали ёшларни тўғри эътиқоддан айирадиган бузғунчи ғоялардан асраш;

Маҳаллий ахборотлар таъсирчанлигини ошириш чоралари кўрилмаса, ёт ғоялар миллий қадриятларни барбод этиш орқали тарихан дўст бўлган халқлар ва миллатлар орасига низо солиши турган гап, бундай пайтда ҳар қандай воқеа ва ҳодисага ақл-идрок йўриғи билан ёндашиш лозим. Таҳдид қанча кўп бўлса, қўрқув, ҳадик ва ишончсизлик шунча кўпаяди. Ана шундай пайтда вазиятдан келиб чиқиб, ёшлар ахлоқини тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларда ахборотни саралай олиш, яъни ахборот истеъмоли маданиятини юксак даражага кўтариш учун, энг аввало, ёш йигит-қизларда соғлом эътиқод ва сезгирлик туйғуларини шакллантириш муҳим.

REFERENCES

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур.-Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси,2014.
2. Алимов Усмонхон. Оилада фарзанд тарбияси.-Т.: “Мовараунnаҳр”, 2014.
3. Айдарбек Тулепов. Интернетга ин қурган “ўргимчаклар”.-Т.: “Мовароуннаҳр”,2014.
4. Айдарбек Тулепов. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя.-Т.: “Мовароуннаҳр”,2016.
5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳи Буҳорий”.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти,2008.
6. Бахриддин Умаров, Мяссар Ахмедова. “Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик”.- Тошкент.: -2012.